

“Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди



Фармонга кўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига **12 млн сўм** миқдорида бир марталик пул мукофоти белгиланди.

Шунингдек, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда Ватанимиз озодлиги ва шон-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маданий-маърифий кечалар ўтказилади.

Маълумот учун бугунги кунда Термиз туманида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган **Султонов Кенжа бобо** ва **Пўлатов Файзи боболар** умр гузаронлик қилишмоқда.

Расмда туман ҳокими Ш.Уринов 2020 йил 9 май куни Пўлатов Файзи бобога Президент табриги ва байрам совғаларини топшириш жараёни акс этган.

Термиз туман ҳокимлиги Ахборот хизмати